НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Ҳамкор ташкилотлар:

Ташкилий қўмита манзили:
НамМҚИ,
7-бино, 1-қават,
Қурилиш факультети
Координатор:
Зокиржон Холбоев
+99897 282-00-05
Равшанбек Мавлонов
+99893 493-61-00
E-mail:
pgsnauka@gmail.com
Телеграм гуруҳ хаволаси:
https://t.me/nammqi_xalqaro_konf_2022

«Қурилишда инновациялар, бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги»

мавзусида Халқаро миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 майдаги 08/8-8-сонли топшириғи ҳамда 2022-йил 25-27 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида ташкил этилган “Учинчи Ўзбекистон-Россия” таълим форумида Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва М.В.Ломоносов номидаги Шимолий Арктика федерал университети ўртасида имзоланган “Йўл харита” сининг 1-бўлим 3-бандига асосан жорий йил **15-17 декабрь** кунлари Наманган муҳандислик-қурилиш институтида “Қурилишда инновациялар, бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги” мавзусида Халқаро миқёсида илмий ва илмий-техник конференция бўлиб ўтади.

Илмий-техник анжуманда қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган:

- инновациялар, энергиятежамкор-ресурстежамкор муҳандислик коммуникацияли бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари;
- бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш асосларини такомиллаштириш, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий мустаҳкамлиги, ишончлилиги ҳамда сейсмик хавфсизлиги;
- қурилишда экология, иқтисодиёт, транспорт ва логистика, бино ва иншоотлар қурилиш технологияларидаги камчиликлар, нуқсонлар, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масалалари;
- техник ишланмалар, ихтиролар, дастурий ишланмалар, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига киритилиши учун мўлжалланган янгиликлар, ҳужжатлар ва янги ишлаб чиқилган таклиф ҳамда тавсиялар;
- ахборот технологияларининг қурилишни ривожлантиришдаги роли ва хорижий тажрибаларни ўрганишда чет тилларининг аҳамияти ҳамда ҳамкорликда соҳада кадрлар тайёрлаш масалалари.

Мақолаларга қўйиладиган талаблар:

Ҳажми 3-5 бет, 1,5 интервалда (чапдан 2,5 см, юқоридан 2 см, қуйидан 2 см, ўнг томондан 1,5 см, варақ бичими А4 форматда, 210х297мм), Microsoft Word муҳарририда, матнлар Times New Roman, 14 ўлчамли шрифтда. Мавзу бош ҳарфларда қорайтирилиб, варақнинг ўртасига ёзилади, кейинги қаторларга муаллифнинг исми-шарифи, илмий даражаси ёки илмий унвони, ташкилотнинг тўлиқ номи, конференция шўъбаси, телефон рақами кўрсатилади (намунага қаранг).

Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилларида, 1 нусхада, қоғоз ва электрон вариантларда **2022 йил 5-декабргача** НамМҚИ 7-бино, Қурилиш факультети деканатида ташкилий қўмита томонидан қабул қилинади.

Мақола матни илмий, техник, грамматик ва стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт. Мақоладаги маълумотлар, фактлар ва статистик кўрсаткичларнинг тўғрилигига **муаллифлар масъулдирлар**. Мақолада албатта жадвал (чизма ёки расм) лар манбалари аниқ кўрсатилиши, қисқартма сўзларга изоҳ берилиши лозим. Мақола ичидаги **ҳаволалар** “[1]” каби тартибда белгиланади. Мақола сўнгида **фойдаланилган адабиётлар** фойдаланиш кетма-кетлиги бўйича ёзилиши керак.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган, ўз вақтида топширилмаган, камчиликлари мавжуд бўлган илмий мақолалар тўпламга киритилмайди. Ташкилий қўмита мақола матнини қисқартириш, қисман тузатиш киритиш, шўъбаларга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Конференцияда ZOOM дастури орқали онлайн равишда иштирок этувчилар учун шахсий электрон почталарига конференция бошланишидан 1 кун олдин ҳавола жойланади.

НАМУНА

ҚУРИЛИШДА ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР

*проф.,т.ф.д. Ж.Эшонжонов (**Наманган муҳандислик-қурилиш институти**)*
(2-**шўъба:**, тел: ……, e-mail:……)

Аннотация: *матн, матн, матн, матн, матн, матн матн, матн, матн, матн, матн, матн матн, матн матн, матн матн, матн матн, матн, матн, матн матн, матн*

Калит сўзлар: *калит сўзлар, калит сўзлар, калит сўзлар, калит сўзлар*

Мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни мақола матни-